


Ҳикмат мўъминнинг излаган нарсасидир



14:00 / 28.02.2023 2051

Буюк тобеъин Абдуллоҳ ибн Муборак бир маст кишининг шеър ўқиётганини эшитиб қолди:

«Ишқ мени хорлади. Мен хор бўлдим.

Менинг ишқим тушганга етишадиган йўл йўқ!».

Шунда Абдуллоҳ ибн Муборак ёнидан қоғоз чиқариб сархуш кишига жавоб ёзмоқчи бўлди. Шунда ёнидаги кишилардан бири унга деди:

- Бир маст кишига ҳам жавоб ёзаверасизми?!

Абдуллоҳ ибн Муборак деди:

- Гоҳида чиқиндихонада гавҳар ҳам бўлиши мумкин!

Ҳикмат мўъминнинг излаган нарсасидир. Қайси идишдан чиқса уни олаверади. Ҳатто душмани айтса ҳам уни олаверади. Ботил гапни дўстимиз айтса ҳам қабул қилмаймиз-ку!

Биз бу сайёрада ёлғиз эмасмиз. Башарият қанчалар инкор қилишга уринмасин, барча бир оиладир. У ерда, бу ерда ўқиймиз. У билан, бу билан муомала қиламиз. Оқил инсон асаларига ўхшаб гул қаерда унса ҳам унга

қўнаверади!

Ғарб адиблари жуда ажойиб ва гўзал гапларни гапиришган. Жоҳилият давридаги шоирларнинг ажойиб ҳикматлари бор.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу Зуҳайр ибн Аби Сулмоннинг шеърларига қизиқар эди. Уни жоҳилиятдаги киши демас эди. Унинг ҳикматларидан баҳра олар, ширкини тарк қилар эди. Чунки дин ва эътиқодда муҳолиф бўлган кишининг яхши фикрларини олиш, унинг дини ва эътиқодини олиш дегани эмас.

Бошқаларнинг қобилиятини тан олиш Набийлар хулқидир. Мусо алайҳиссалом биродарлари Ҳорун алайҳиссаломни эътироф қилиб: «Унинг тили мен(инг тилим)дан фасоҳатлироқ!», деган эдилар.

Ўзгаларнинг хислатини тан олмаслик Иблиснинг хулқидандир. Иблис Аллоҳга Одам алайҳиссаломни кўрсатиб: «Мен ундан яхшироқман!», деган эди.

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг адолатлари шу даражага етдики, ҳатто ҳақ гапни шайтон гапирганида ҳам уни тасдиқладилар.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳуни садақага қоровул қилиб қўйганларида Абу Ҳурайра овқат ўғирлаётган бир кишини тутиб олди. Уни Набий алайҳиссаломнинг ҳузурларига олиб бормоқчи бўлганида у фақир ва серфарзанд эканлигини айтиб зорланди. Абу Ҳурайра унга раҳми келиб қўйиб юборди.

Аммо бу иш эртаси куни ҳам такрорланди. Ҳар сафар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кечаги асиринг нима бўлди?», деб сўрар эдилар. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу эса: «У энди келмаслигини айтиб ваъда берди!», дер эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «У сени алдабди, яна келади!», дер эдилар. Учинчи куни Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу уни яна тутиб олди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига олиб бораман, сен келмайман деб яна келаяпсан, деганида у деди:

- Мени қўйиб юборсанг сенга бир калима ўргатаман. Аллоҳ у калима туфайли сенга манфаат беради!

- Нима экан у калима?

У деди:

- Тўшагингга кирганингда оятул Курсийни ўқигин. Ана шунда сенинг олдингга Аллоҳ томонидан бир ҳимоячи келади. Тонггача сенга шайтон яқинлаша олмайди!

Бу гапни Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга айтганида шундай дедилар:

- Ёлғончи бўлса ҳам аммо рост гапирибди. Уч кечадан бери ким билан гаплашаётганингни биласанми?

- Йўқ!

- У шайтон эди!

Буларнинг баридан олинадиган хулоса шуки, барча ҳақ қабул қилинади. Барча ботил рад қилинади. Ибрат гапгадир, айтувчига эмас. Ибрат амалгадир, амал қилувчига эмас. Қолгани ...

Абдулқодир Полвонов